

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>З.Пардаева</b>	
Шеърӣ асарда метафоризация хусусиятлари (А.Ахматова ва М.Цветаева шеърӣати мисолида).....	82
<b>З.Мамадалиева</b>	
“Ҳайрат ул-аброр” достонида Хожа-қўнгул образи ва унинг такомилӣ.....	88
<b>И.Рустамова</b>	
Бадиий ижодда деталлар функционалиги ва динамиклиги.....	94
	ТИЛШУНОСЛИК
<b>А.Бердиалиев</b>	
Эга ва унинг умумлисоний хусусиятлари ҳақида.....	98
<b>Т.Эназаров</b>	
Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси.....	102
<b>Ҳ.Шокирова</b>	
Шахс дейксиси имкониятлари.....	108
<b>М.Абдупаттоев, В.Абдурахмонов</b>	
Микроматн композицияси.....	116
<b>Ф.Шарипов, Т.Галиев</b>	
Ўзбек тилшунослигида сўзшакл ҳақида.....	121
<b>М.Ширинова</b>	
Кинофильмлар номлари лингвистик аспект материали сифатида.....	126
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
<b>Т.Эгамбердиева, М.Зиёева</b>	
Ўзбекистон олий педагогик таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар мазмуни.....	130
<b>Ҳ.Қодирова, М.Юнусалиева</b>	
Тўғарак машғулотида мантиқий фикрлашни ривожлантириш ёрдамида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш.....	136
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
<b>Д.Мухторова</b>	
Ядросида Гауссинг гипергеометрик функцияси қатнашган интеграл тенгламаларни ечишнинг композицион усули ҳақида.....	141
<b>К.Кодиров, Т.Тўхтасинов</b>	
Лордания билан алгебрасидаги конвергенция топологияси.....	144
<b>М.Имомова, Б.Абдуғаниев, А.Турдибоев</b>	
Мотор ва сурков мойларининг физикавий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини ускунавий услубларда аниқлаш.....	148
<b>Р.Казоков</b>	
Кимё ўқитиш самарадорлигини оширишда уй кимёвий тажрибаларнинг роли.....	152
<b>М.Ҳакимов, А.Маруфжонов</b>	
Ўзбекистонда анор етиштиришни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар.....	156
<b>С.Исроилжонов, В.Каримов</b>	
Озиқ-овқатлар таркибидаги ксенобиотикларнинг ҳамда захарли моддаларга одам организмидаги ҳимоявий омиллар таъсирини ўрганишга кириш асослари.....	159
<b>А.Гадоев, В.Каримов, Г.Гадоева</b>	
Мушуклар организмида <i>Sarcocystis tenella</i> railliet, 1886 саркоспоридийларнинг ривожланиши.....	162
<b>М.Дадақўзиев, О.Эркабоев</b>	
Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалар.....	165
<b>Ф.Маматов</b>	
Глобаллашув жараёнида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион омиллари.....	168

УДК: 809.1+155.4

БАДИЙ ИЖОДДА ДЕТАЛЛАР ФУНКЦИОНАЛЛИГИ  
ВА ДИНАМИКЛИГИФУНКЦИОНАЛЬНОСТЬ И ДИНАМИЧНОСТЬ ДЕТАЛЕЙ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ  
ТВОРЧЕСТВЕFUNCTIONALITY OF DETAILS AND DYNAMICS  
IN ARTISTIC CREATIONИ.Рустамова<sup>1</sup><sup>1</sup>И.Рустамова

– ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

**Аннотация**

Мақолада А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романидаги деталлар функционаллиги ва динамиклиги ҳақида сўз юритилади.

**Аннотация**

В статье речь идёт о функциональности и динамичности деталей в романе “Мираж” А.Каххара.

**Annotation**

This article discusses the functionality and dynamism of the details in Abdullah Qahhars “Sarob” novel.

**Таянч сўз ва иборалар:** деталь, функция, динамика, восита, образ, перифраза, жараён.

**Ключевые слова и выражения:** деталь, функция, динамика, средство, образ, перифраза, процесс.

**Keywords and expressins:** detail, function, dynamics, means, image, perifrasis, process.

“Адабиётшуносликда ёзувчи қўллаган деталларнинг у ёки бу функциялари ҳақида кўп гапирилади-ю, уларнинг энг муҳим хусусияти–эстетик қиммати, эмоционал қудрати ҳақида кам гапирилади, баъзан бу томони мутлақо эътиборсиз қолдирилади. Абдулла Қаҳҳор асарларидаги деталлар ғоят кучли, эмоционал қудратга эга, улар китобхонга тез етиб боради ва унда кучли реакция уйғотади. Гўё муаллиф деталларнинг ичига портловчи зарядларни жойлаштириб қўйгандек, китобхон унга яқин келиши билан портлаш юз беради” [1,63]. А.Қаҳҳор ўз асарларида деталлардан шунчаки тасвирий ифода сифатида фойдаланмайди, у қўллаган деталларда образлар характери, уларнинг бир-бирига муносабати, муаллиф концепцияси кабиларни кўрамиз. Бадиий деталлар туфайли адиб асарларининг тили, ўзига хослиги таъминланади ва улар китобхонга кучли эмоционаллик бағишлайди. Адабиётшуносларимиз томонидан адиб асарларидаги деталлар масаласи ўрганилган бўлиб, Султонованинг “Абдулла Қаҳҳор услуги” рисоласида, О.Шарафиддиновнинг “Абдулла Қаҳҳор” монографиясида, М.Қўшжонов, У.Норматовларнинг “Маҳорат сирлари”, М.Қўшжоновнинг “Абдулла Қаҳҳор

маҳорати” рисолаларида деталларга қисман тўхталиб ўтилган. М.Қўшжонов “Абдулла Қаҳҳор маҳорати” рисоласида диққатини адибнинг асарларидаги детал масаласига қаратиб, Чеховнинг “Кулфат”, А.Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояларини бир-бирига қиёслади. Ҳар икки асардаги фожелик ҳақида сўз юритиб, “Анор” ҳикоясида қўллаган анор деталли ушбу ҳикоянинг ўзига хослигини таъминлаганлигини эътироф этади. Юқорида келтирилган манбаларда деталларнинг функционаллиги ва динамиклик ҳолатлари очиб берилмаган бўлиб, биз эса мақолада деталларнинг айнан образ характерини очиш жарёнидаги функционаллиги ва сюжетдаги динамиклиги масаласига тўхталиб ўтамиз. Бадиий асар тили қанчалик сайқалланган бўлса, ундаги айрим камчиликлар сезилмайди. Бадиий асар тили эса ўзининг мукамаллиги ва жозибаси билан китобхонга эмоционал кайфиятлар бағишлаши табиий. Ҳар қандай детални бадиий детал даражасига кўтариб, унинг бадиий - эстетик функциясини кўрсата билиш ёзувчидан жуда катта ижодий маҳорат талаб этади. В.Добин “детал – бу, услуб” деганида, минг марта ҳақли эди. Бу ҳақда К.Федин қуйидаги фикрни келтиради: “Биз композицияси мукамал бўлмаган, ҳатто композицияси ёмон бўлган яхши

адабий асарларни биламиз. Лекин тили ёмон яхши асарларнинг бўлиши мумкин эмас. Асарнинг барча материали, ёзувчининг бутун тажрибаси тилда ва тил воситасида ифодаланади” [2.345.] А.Қаҳҳор талантининг туб моҳиятини кўрсатиб берувчи асосий сабаб, бизнингча, асарлари тилининг бадиий жиҳатдан мукамаллигидир. А.Қаҳҳор “Ўғри,” “Бемор”, “Минг бир жон,” “Тўйда аза”, “Сароб”, “Синчалак” асарларида деталлардан унумли фойдаланган. Мана, бир неча йиллардан буён “Сароб” романи хусусида сўз кетади. Унга бўлган қизиқиш ҳар доим китобхон ва тадқиқотчиларни ўзига чорлайверади. Бунинг асосий сабаби эса, асар матнида бадиий деталлардан ўринли ва маҳорат билан фойдаланганлигидир. А.Қаҳҳор асарларини қанча кўп ўқисак, у бизни бездирмайди, янги-янги маъноларни топаверамиз. Романда қўлланилган деталлар ўзининг функционаллиги ва динамиклиги билан романга ўзига хослик бахш этади. Адиб томонидан қўлланилган деталлар образларнинг маънавий дунёси, дунёқарashi, атрофдаги воқеа - ҳодисаларга бўлган муносабатларини яққол очиб беради. Шу маънода, муаллифнинг “Сароб” романидаги деталлар масаласини юқоридаги назарий муаммолар асосида таҳлил этамиз. Романда деталлар асосий тасвирий восита сифатида иштирок этиш билан бирга динамикликка ҳам эришган: “Убоғ эшигининг бўсағасига қадам қўйганида “бубулигўё” калтакесакдай чаққонлик билан унинг ёнидан ўтди. Саидий то орқасига қараб гап сўрагунча эшикни тақ этиб ёпиб, уйга кирди, кетди..” [3,204.] Муаллиф кампир образига нисбатан икки салбий хусусиятни биргина “калтакесак” детали ёрдамида ифодалайди. Калтакесак детали кампирга нисбатан китобхон тасаввурида салбий эмоция уйғотади. Калтакесак кўринишида хунуклик билан бирга совуқлик салбий оттенкаси мавжуд бўлиб, бу ҳолат кампир ҳаракатига нисбатан муаллифнинг салбий муносабатини ҳам билдиради. Калтакесак деталига нисбатан қўлланилган ифоданинг энг характерлиси романда Мухторхон образига нисбатан қўлланилган бўлиб, сюжетда шундай ифодаланади: “Саидий Мухторхонни тўй ҳафтаси Салимхоннинг уйида кўриб ҳайрон қолди. Бунинг нимаси

бор, бир бедаво-ку! Қаншари паст, икки кўзи лойга тушган мунчоқдай, бет суяклари чиққан, қулоқлари елпиғичдай. Яна сочсоқолига оқ тушган. Наҳотки, Муниҳон бунинг фақат бойлигига учган бўлса!...” [3,151.] Ёки яна “Нега Муниҳон табиат ҳайкалтарошлик хунарини бошлаганидан бери мислини яратмаган бир мўъжиза, анор сувининг томчисидай тиниқ, суҳбати тонг шаббодасидай кишининг баҳрини очадиган бир қиз Мухторхонга - қиринди, ташландиқ лойдан ҳафсаласизлик билан олам учун бир эрмак ҳам керак-ку, ахир” деб ясалган ҳайкалга кўзлари қумлоқда дам олиб ётган калтакесакнинг кўзига ўхшаган бир кишига майил берди? ..” [3,165.] Аввалига лойда ётган мунчоққа қиёс қилинган Мухторхоннинг кўзи, энди қумлоқда дам олиб ётган калтакесакнинг кўзига ўхшатилади. Портрет тасвиридаги салбий бўёқ роман сюжетида босқичма-босқич ўхшатилган деталлар асосида кучайтирилади. Натижада, китобхоннинг Мухторхоннинг ташқи кўриниши ҳақидаги салбий тасавури детал туфайли янада мукамаллашади. Муаллиф Мухторхон ўпганда калтакесакка ўхшаб товуш чиқаради, кўзи калтакесакнинг кўзига ўхшайди каби ўхшатишларни қўллагач, сўнг “калтакесакнинг сарқити” перифразасини қўллайди. Айнан шу жиҳатлар романдаги деталлар динамиклигини таъмин этди.

“Сароб” романида деталлар функционаллиги масаласини таҳлил этиш учун роман сюжетида мурожаат этамиз. Романда барча образларнинг шаклланишида кампир образининг ўз ўрни бор. Кампирнинг вайсақилиги, серзардалиги, меҳрсизлиги асар сюжетида бизга маълум. Унинг пасткашлиги, инсон кадр-қимматини бир буюмчалик кўрмаслиги, қуйидаги келтирилган парчада яққол намоён бўлади: “Булбулигўё”нинг кўзи ағанаб ётган сопол обдастага тушди. Обдастанинг жўмраги синган эди. У жаҳли чиқиб обдастани жойига қўйди-да, индамасдан қайтиб кетди ва ош сузар экан, дўнғиллар эди: “Худо кўтарсин, шабкўр...ўлимтик!” ..” [3,224.] Обдастанинг синган жўмраги учун уйига нажот сўраб келган куёвининг опасига нисбатан шундай куракда турмайдиган гапларни айтиб, ўзининг қанчалар пасткаш ва меҳрсиз эканлигин кўрсатади. Ҳар икки аёл маънавий дунёсини кўрсатиб беришда биргина деталь - синган обдаста жўмраги

сабаб бўлди. Бундан ташқари, деталь туфайли чиққан жанжал Саидий ва унинг опаси ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштирди. Шунингдек, Саидийнинг ички изтиробларини юзага чиқаришга ҳам айнан шу синган обдастанинг жўмраги туфайли чиққан жанжал сабаб бўлди. Синган обдаста жўмраги роман конфликтини ривожлантиришда катализаторлик вазифасини бажарди. Деталларда инсон ички дунёси, унинг савияси ва маънавий дунёси ўз ифодасини топади. Образларнинг маънавий дунёси ва муносабатларини ифодалашда қўлланилган навбатдаги деталлар унинг функционаллигини белгилашда жуда катта бадиий-эстетик функция бажаради. Романда Ёқубжонни Саидийга нисбатан қўллаган қуйидаги детали бунга айнан мисол бўла олади:

-Сиз кўнғизсиз – деди Ёқубжон бир куни, идорадан ҳамма кетиб, Саидий билан ёлғиз қолганда.

-Қанақа кўнғиз денг!

-Хайр, қанақа кўнғиз – деди Саидий.

- Отнинг тезагини яхши кўрадиган кўнғиз... Отнинг тезагини юмалатиб уясига олиб киришга ҳаракат қилади, аммо ҳамма вақт уясининг оғзига сиғмайдиган тезакка ёпишади. Меҳнатни қила-қила оқибат уясининг эшигини тезак билан беркитиб қўйиб, ўзини-ўзи қамайди. ..” [3,174-175.] Инсон зотиға, бирға ишлайдиган ҳамкасбига, нисбатан бундай детални қўллаш, биринчидан, Ёқубжонни Саидийга нисбатан салбий муносабатини ифодаласа, иккинчидан, унинг маънавий дунёси нақадар паст эканлигини ҳам кўрсатади. Ёқубжоннинг ўта беюзлиги, Саидийнинг тенгситмаслиги қўлланилган деталда ўз мужассамини топган. Инсонга нисбатан бундай ўхшатишни қўллаш, уни юзига қараб ҳақоратлаш, Ёқубжоннинг том маънода жоҳиллигидир. Кўнғиз деталининг кейинги жумлалар билан тўлдирилиши адиб маҳоратининг яна бир кўринишидир. “Отнинг тезагини яхши кўрадиган кўнғиз, аммо ҳамма вақт уясининг оғзига сиғмайдиган тезакка ёпишади” кабилар ана шулар жумласидандир. Айнан шу деталнинг эмоционал хусусияти диалоглар асосида янада тўлароқ очилди. Топиб айтилган юқоридаги каби таъсирчан жумлалар адибнинг сўз қўллашдаги ўзига хос санъаткорлигининг яна бир

намунаси. Саидий ҳам бўш келмасдан: “Мен тезак юмалатадиган бўлсам, аввал сизни юмалатар эдим ” [3,175.], деб Ёқубжонни тезакка ўхшатиб, ўз жавобини беради. Энди бу деталнинг салбий оттенкаси, бадиий-эстетик функцияси кўнғиз деталига нисбатан анча баланд. Ёқубжон Саидийни тезакни яхши кўрадиган кўнғизга ўхшатса, у Ёқубжонни тезакка қиёс қилади. Деталнинг яна бир функционал кўринишини кампир репликасида учратамиз: “Эсингиздан чиқдим, келганингизда оёғингиздаги ботинканинг ипи симдан эди...” [3,204.] “Келганингизда битта ботинка боққа ҳам кучи етмаган бир камбағал эдинг” деган таъна ва дашномлари “ипи симдан “ эди деталига сингдирилган. Инсонни камситиш, ҳақоратлаш, менсимаслик, беюзлик каби муносабатлар кампир нутқидаги юқоридаги деталда ўз ифодасини топган. Агарда Саидий юқоридаги каби оддий баён шаклида ҳақоратлаганда, унга бу даражада таъсир этмас эди ва умумий оддий гапга айланиб қоларди. Гапнинг эмоционал таъсири, яъни сизлаб туриб жонини олиш тарзида бўлмас эди. Бадиий эмоцияга бой гапларни фақат А.Қаҳҳор асарларидагина учратиш мумкин. Деталлар ёрдамида юқоридаги каби такрорланмас образ яратилиши ҳам адиб маҳоратининг яна бир кўринишидир.

Деталнинг яна бир функционал кўринишини романдаги пашша детали билан боғлиқ бўлган қуйидаги жараёнда кузатамиз. Саидий ойлаб кутган ҳикояси журналда илк маротаба эълон қилинганда, у ўз хурсандчилигини хотини билан баҳам кўриш мақсадида уйга келади. Уйда у бутунлай бошқа манзаранинг гувоҳи бўлади, роман сюжетида бу ҳолат шундай тасвирланади: “Шу тирикми, ўликми? – деди у гиламга ёйилган оқ рўжанинг устидаги пашшани кўрсатиб, Саидий қўлидаги журнални кўрпача устига ташлаб ўтирди, сўнгра бармоғи билан пашшани қимирлатиб қўйди. Пашша тирик, аммо карахт эди” [3,205.] Яна келтирамиз: “Сорахон кафтига қамалган пашшани секин олиб қанотидан ушлади ва кичкина қайчича билан бошини кесиб, қўйиб юборди. Пашша кўтарилиб, уйни бир айланди-да, дераза ёнига бориб тушди. Ундан кўзини узмай қараб турган Сорахон

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

бориб, пашшани олди ва юқорига ирғитди. Пашша яна учди...” [3.206.] Сорахон Саидийнинг мақоласига эътибор бермайди, Саидий ўзи айтгандан сўнг унга қанча пул бериши билан қизиқади. Саидийнинг чоп этилган ҳикоясидан кўра унга пашшалар билан ўйнаш қизиқ эди. Пашша деталига эътиборимизни қаратсак, биринчидан пашша ифлос ҳашарот, иккинчидан, уларнинг бошини кесишдан жирканмаган Сорахонни қандай баҳолаш мумкин? Айнан шу пашша детали асосида унинг ким эканлиги маълум бўлди. Матнда муаллиф қарахт сўзини қалласи олинган пашшаларга нисбатан қўллайди. Бу сўз, бизнинг назаримизда, учта нарсага қаратилгандек туюлади: биринчидан, бадиий матндаги ҳақиқий пашша детали қарахт бўлса, иккинчидан Сорахон ҳам илм ва фаросат бобида бутунлай қарахт кимса, учинчидан, Раҳимжон Саидий ҳам хотинининг бефаросатлиги ва бесаводлиги олдида яна бир қарра қарахт эди. Пашшанинг тирикчилигини исботлаган Сорахонга Саидий хонатлас кўйлак олиб беришга мажбур бўлди. Биргина кўйлак учун ўз вақтини бекор ўтказиб, ифлос пашшалар билан олишиб, уларни ўзига эрмак қилиб олган, улардан жирканмаган Сорахоннинг

ҳақиқий башараси яна бир қарра детал воситасида очилди. Пашшалар билан олишиб, ўз вақтини чоғ қилган Сорахон Саидийга мутлақо номуносиб эди. Сюжетдаги бу манзара Сорахоннинг том маънодаги фожиасининг яна бир кўринишидир. Сорахон маънавий дунёсининг салбий жиҳатларини “баралла” очиб беришни давом эттириб, муаллиф навбатдаги деталга мурожаат этади: “Сорахон журнални қўлига олиб, суратларини томоша қилди. Саидий ундан бошқа бир гап кутган экан шекилли, таъби хира бўлиб, ёнбошлади. Сорахон яна туриб пашша қидириб кетди.”[3.206.] Сорахоннинг журналдаги расмдан бошқа нарсага ақли етмас эди. Шунинг учун ҳам муаллиф сурат деталини қўллади. Шу ўринда айнан деталлар ёрдамида китобхонга образли мушоҳадалар беролган муаллиф бошқа изоҳга ўрин қолдирмайди.

Шундай қилиб, адибнинг “Сароб” романида деталлар функционаллиги ва динамиклиги ўзига хос равишда талқин этилган бўлиб, образлар шаклланишида ва муаллиф ижодий ниятини амалга оширишда асосий восита сифатида қўлланилган.

**Адабиётлар:**

1. Абдулла Қаҳҳор. Маҳорат сирлари. – Т.: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.
2. Адабиёт назарияси.-II том. –Т.: Фан, 1979.
3. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 1- жилд. –Т.: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).